

Очиқ бюджет партали бўйича Олтиариқ туманида амалга оширилган ишлар.

Халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгаши котибияти мудирини Ў.Отабоевга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳамда Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг 2022 йил 17 февралдаги VI-44-15-11-151-К/22- сонли қарорига илова қилинган Намунавий низомга асосан Олтиариқ туманида “Очиқ бюджет” ахборот порталида “Ташаббусли бюджет” жараёнлари ўтказилиб келинмоқда.

Ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 1-босқичида ғолиб деб топилган 9 та таклифлар учун жами 6 710,0 млн.сўм маблағлар ажратилиб, буюртмачи ташкилотларнинг ҳисоб варақларига ушбу маблағлар йўналтирилди.

Ичимлик суви билан боғлиқ тадбирлар- 2 та бўлиб, Бирлашган МФЙ ҳудудидаги Чарос, Мехнаткашлар, Токзор ҳамда Бирлашган кўчалари аҳолиси учун ичимлик суви муаммосини бартараф этишга 1080,0 млн, Жарқўрғон МФЙ ҳудудидаги Жарқўрғон, Эзгулик, Қадрият ҳамда Сайлгоҳ кўчалари аҳолиси учун ичимлик суви муаммосини бартараф этишга 1000,0 млн сўм жами бўлиб **2080,0 млн. сўм маблағлар йўналтирилди.** Ушбу таклифларнинг лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Ички йўллари таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар 2 та бўлиб, Зилха МФЙ ҳудудидаги Иқтидор, Широқ, Зулфия ҳамда Кенжабоев кўчалари ички йўллари жами 2.5 км масофада асфалтлашга 1000,0 млн, Тегирмонбоши МФЙ ҳудудидаги Тумарис1, Тумарис2, Тумарис3, У.Носир, Суфизода, Ганжавий ҳамда Бобурнома кўчалари ички йўллари жами 3.2 км масофада асфалтлашга 1080,0 млн.сўм **жами бўлиб 2 080,0 млн сўм маблағлар йўналтирилди.** Ушбу таклифларнинг лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланиб, “Бест Строй 2020” МЧЖ пудратчи корхона томонидан кўрсатиб ўтилган МФЙ кўчаларида асфалтлаш ишлари амалга оширилди. Хозирги кунда пудратчи корхона томонидан қилинган ишлар буюртмачи ташкилот(туман Ободонлаштириш бошқармаси) ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қабул қилиш ишлари давом этмоқда.

Ижтимоий соҳалардан ғолиб таклифлар-4 та бўлиб, тумандаги 1-сонли умумтаълим мактабини эскирган эшик, ромлари ва ошхона жихозларини таъмирлашга 700 млн сўм маблағлар йўналтирилган бўлиб, “Олтиариқ бунёдкор файз” МЧЖ пудратчи корхона томонидан таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Тумандаги 14-сонли умумтаълим мактабини спорт зали ва фаоллар залини жорий таъмирлашга 350,0 млн сўм маблағлар йўналтирилган бўлиб, “Олтиариқ буилдинг” МЧЖ пудратчи корхона томонидан таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Тумандаги 38-сонли умумтаълим мактаби ўқув биносини мукамал таъмирлаш ва ўқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун 800,0 млн сўм маблағлар йўналтирилган бўлиб, хозирда ушбу таклифнинг лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланиб, пудратчини аниқлаш учун танловга қуйилган. Тумандаги 15-сонли умумтаълим мактабининг ўқув хоналаридаги жихозлар ва лаборатория жихозлари эскирганлиги сабабли стол-стул, лаборатория жихозлари сотиб олиш учун 500,0 млн сўм маблағлар йўналтирилган бўлиб, “Саходулло муборак” МЧЖ пудратчи корхона томонидан мебел жихозлар умумтаълим мактабига етказилиб берилди. **Жами бўлиб ижтимоий соҳалар учун ғолиб таклифларга 2 350,0 млн сўм сўм маблағлар йўналтирилди.**

Шунингдек, **ёритиш тизимини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар** учун Оқбўйра МФЙ Оқбўйра кўчасидаги эскирган симёғочларни, электр симларни янгилаш ҳамда қўшимча трансформатор ўрнатишга 200,0 млн сўм маблағлар йўналтирилган бўлиб, хозирда ушбу таклифнинг лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланиб, тасдиқланиши учун экспертизага киритилган.

“Ғолиб” деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида “Давлат молиясини бошқариш” ахборот тизимида ҳар бир лойиҳа учун алоҳида “401722..” маблағлар манбааси бўйича жами 9 та ҳисобварақлар очилди ва тегишли маблағлар ўтказиб берилди.

Лойиҳаларда кўзда тутилган тадбирларнинг сифатли ва тўлиқ бажарилишини, бажарилган ишларни лойиҳа ташаббускорлари иштирокида қабул қилиниши таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича буюртмачи ташкилотлар ҳамда тегишли масъулларга кўрсатмалар

берилмоқда.

Олтиариқ тумани

Молия бўлими мудир:

А.Тожиев.

2022-09-20 10:13:55